

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустақиллик йилларида банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини кучайтиришга, капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилашга имконият яратди. Кредит ресурсларига эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган қайта тақсимлашни амалга ошириш ҳамда кредит фаолиятининг субъектлари учун даромад олиш имконини беради.

Қарз олувчилар маълум бир муддатга ўзларининг тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби манфаатларига етишиш мақсадида йирик пул капиталидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Кредиторлар эса фоиз кўринишида даромад оладилар. Бундан ташқари, кредит ишлаб чиқаришга инвестициянинг кириб келишини рағбатлантиради, прогрессив таркибий силжишларга туртки бўлади. Бугунги кунда кредит иқтисодиётни макродаражада тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. У миллий валюта ва баҳолар барқарорлигини, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби бирламчи масалаларни ҳал этишда ёрдам беради. Кредит ёрдамида иқтисодиётнинг тўлов воситаларига бўлган эҳтиёжи таъминланади, пул маблағларини фаол тўлов оборотидан чиқиб қолишига барҳам берилади, иқтисодиётнинг капиталлашув даражаси ошади. Айни вақтда, ортиқча кредитлаш иқтисодиётга ва у орқали жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Масалан, иқтисодиётга ҳаддан зиёд кўп кредит ажратилса, бу ҳолат инфляциянинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Тижорат банкларининг кредитлаш механизмини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.Мак Нотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш механизмини ташкил қилишнинг зарурий

шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди.¹ Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкнинг сотилиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим. Бу эса, мулкни доимий равишда қайта баҳолаб туришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, олимнинг мулкни даврий баҳолаш тўғрисидаги фикри республикамиз амалиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мулкларнинг жорий баҳосининг тез-тез ўзгариш ҳолати мамлакатимизнинг хўжалик амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади. Жорий фаолиятда кредитдан фойдаланиш шарт-шароитларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, бизнинг назаримизда, биринчи навбатда, халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган Базель талаблари билан боғлиқ.

Бунда кредит рискинни бошқаришга нисбатан белгиланган талабларни кучайишида, дунёнинг кўплаб давлатларида кредитнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғининг сезиларли даражада ўсаётганлигида, кредитлашнинг нисбатан янги шаклларида фойдаланиш кўламини кенгаяётганлигида ва кредит таъминотига нисбатан талабларнинг ўзгариб бораётганлигидан далолат беради.

Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида мавжуд муаммолардан бири – республикамизнинг қатор тижорат банкларида кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғини нобарқарорлиги ва нисбатан паст даражадалигидир. Банкларда бу муаммони ҳал этиш учун даромад келтирмайдиган активлар ва асосий воситалар миқдорини камайтиришга эришиш лозим. Шунингдек, баъзи тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси мавжуд. Кредитларнинг асосий қисмини ўзаро боғлиқ тармоқларга мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган.

¹ Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993. - С.75

Шу учун тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудлар бўйича ва муддати бўйича чегараланишини белгилаш ва халқаро банк амалиётидагидек банк кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланишининг олдини олишимиз лозим деб ўйлаймиз.